



ХУДОЁРХОН ВА РОССИЯ ТАЖОВУЗИГА ҚАРШИ ХАЛҚ ХАРАКАТЛАРИ

Рус давлати Бухоро ва Хива хонликларига қарши уруш олиб бораётган йиллари Кўкон хонлигида чуқур сиёсий ва ижтимоий иқтисодий инкироз ҳукм сурмоқда эди. Бу вақтларда хонлик ерларининг ярми Рус давлати томонидан босиб олинган бўлиб, унинг чегараси асосан Фарғона водийсидан иборат эди.

Аввалги саҳифаларда кўрсатилганидек, Худоёрхон сиёсий жихатдан ўта кўрлиги, кўроклиги ва шахсиятпарастлиги орқасида русларнинг ҳам, халқнинг ҳам қуз ўнгида ўз обрўсини тўққан эди. У қандай бўлмасин, тахтни саклаб қолиш учун Рус давлатига таянишга, унга ўзини яхши кўрсатишга қаттиқ тиришди. У рус ҳукумати вакилларига содиклиги ва ҳар қандай хизматга тайёрлиги ҳақида бирин кетин хатлар ёзиб турди. Хатто Россия билан хонликни бир давлат дейишгача борди. Масалан, у бу ҳусусда 1869 йил 18 апрелда Туркистон генералгубернаторлиги маъмуриятига шундай хат ёзган: «Сизлар томонга қочиб ўтган сарбоз Турсункулов билан юборган самимий хатингизни олдим. Сизга нисбатан бўлган дўстлик туфайли мазкур сарбозни кечириб, сарпо кийгиздик ва хурсанд қилдик. Чунки у бегона давлатга эмас, балки Кўкон билан бир давлат — Россияга, яъни бир мамлакатга қочган».(ЦГВИА, ф. ВУА, д. 6814, л. 9.)

Демак, Худоёрхон ўз вақтида хоинлик қилиб, душман тарафига ўтган кишини афв этиб, бу билан Россияга содиклигини изҳор этган. Айниқса, унинг «бир давлат» ҳақидаги гаплари Рус давлатининг итоаткор хизматкорига айланганидан далолат беради.

Туркистон генералгубернаторлиги маъмуриятининг Худоёрхонга юборган жавоб хатида унинг сўзларидан мамнун бўлганликлари уқдирилган (Ўша жойда, 10 бет.).

Худоёрхон Россия паноҳида тахтда утиришни ва айшу ишрат қилишни афзал кўрди. «У, — деб ёзган эди Ибрат, — Русиядан хотиржам бўлиб, вақтини ўйинқулгу билан ўтказиб, қуш солмоқ ва кўпқари чопмоқ йўлларинда бўлиб, уламо ва фузало насихатларига амал қилмай, жабру зулм тарафига ўтиб турганида, раияту халқ (ундан) юз ўғирди» (Исҳоқхон Жунайдуллоҳожа угли (Ибрат), Фарғона тарихи. Мерос, Т., 1991, 310 бет.)

Худоёрхон давлат манфаатлари ва тақдирини ўйламай, Россияга орқа қилиб, қўнглига нима келса, шуни қилаверган. Шу боисдан маҳаллий ва рус манбаларида хонни қораловчи маълумотлар серобдир. Уларда Худоёрхон тенги йўқ очқўз, молпараст, ута шафқатсиз ва золим сифатида тасвирланади. «Худоёрхон, — деб кўрсатилади манбада, — кўп бадавлат бўлиб, хотинларни кўпайтиришга хирс қўйган. Қайфу сафони, роҳатни

ва тинчликни яхши кўрган. Халкнинг фойдасига иш юритмаган... Мамлакатнинг турли томонларида бир нечта боғларида гуллар орасида кайфу сафо килиб етган, бедана, каклик ва хўрозларни уриштириш билан шугулланган. Масхарабозлар ва хофизлар ҳамда маъносиз ўйинлар билан умрини ўтказган.

Молу дунёга хаддан зиёда хирс кўйган ва ўзининг хазинасини бойитиш учун кўп солиқлар солган» (Ахмад Заки Валидий. «Худоёрхоннинг сунгги кунлари». УзФА Шаркшунослик институти, инвентар раками 15743, 7—8бетлар.)

Худоёрхон давлат харажатларини камайтириб, шахсий бойлигини орттиришда ҳеч нарсадан тоймаган. Оқибатда маъмурият вакилларининг таъминоти ночор холга тушиб қолган. Хон хоҳлаган ер, кишлок ва овулни тортиб олиб, ўз мулкига айлантирган. Унинг виждонсизлиги шу даражага борганки, ўз пири ва эшони Миён Соҳиб хазратнинг Шохойим исми хотинини зўрлик билан хотинликка олган (Ўша жойда, 9 бет.)

Унинг ўзи «кўп ёмон табиатли киши бўлиб» ёқтирмаган кишиларини каттик жазолаган ва халкнинг муҳаббатини қозонишни ҳаёлига ҳам келтирмаган. (Ўша жойда, Ўша бет) «Худоёрхоннинг мана шундай ишлари ва разил ахлоқи халқ, беклар, сипохийлар, бойлар ва уламоларнинг норозилигини чақирган».

Худобрхон солиқ турларини қашф этишда ва уларни ундиришда тенги йўқ устаси фаранг бўлган. Масалан, бир боғ ҳашакдан, бир пиёла сутдан, ўнта тухумдан, масхарабозлардан, айик ўйнатувчилардан, дўкон қоровулларидан олинадиган ва бошқа хилмаҳил солиқларни қашф этган.

Худоёрхон барча нарсалардан солиқ тўплаб, катта бойлик орттирган. Бу ҳақда рус манбалари ҳам далолат беради: «Солиқлар олинадиган буюмларнинг турлари жуда кўп бўлиб, улар имкони борича барча нарсалардан олиниб, халқ том маънода шилинган. Хатто камбағаллар келтириб сотадиган қамиш, шохшабба, янтоқ ва шунга ўхшаш нарсалардан солиқлар ундирилган. Кейинги вақтларда тоғлардан ариқлар орқали оқиб келадиган сувларга ҳам солиқ солинган. Фақат нафас олинаётган ҳаводан солиқ олинмаган, холос. Бу ҳол хонга қарши норозиликнинг асосий омилларидан бири бўлган эди».

Худоёрхоннинг каттик зулми ва адолатсизлиги, оғир иқтисодий ҳаёт ҳамда унинг Россиянинг хизматқорига айланиши халқ қазабини кўзгати. Шунинг учун хонга қарши халқ билан биргаликда сарой ҳарбийлари ва амаддорлари, руҳоний ва савдо вакиллари ҳам бош кўтарди. Бунда ўзбеклар, қирғизлар ва тожиклар фаол қатнашиб, ватан хоини Худоёрхонга ва Рус давлатининг тажовузига қарши қурашдилар. Бу ҳаракатнинг юзага келишида қирғиз Мулла Исҳоқ мулла Ҳасан ўғли ҳам муҳим ўрин эгаллаб, Пўлатхон номи билан шўҳрат қозонган эди. Мулла Исҳоқ тахминан 1844 йили тугилган. Унинг отаси Мулла Ҳасан ўқимишли киши бўлиб, Маргилондаги Окмадрасада мударрислик қилган. Мулла Исҳоқ даставвал Кўкондаги Тунқаторда, сунгра отаси ҳузурида таълим олган. Бир неча йил ўтгач, яъни 1867 йили Фарғонадаги Сўхга келиб, ўз қабиладоларининг яйловида 2 йил яшаган, сўнгра Ухндаги масжидда имомлик қилган. Кўп ўтмай у Андижон шаҳрига бориб, масжидларнинг бирида имомлик қилган. Айна бир пайтда тамаки савдоси билан шугулланиб, Тошкентга қатнаб турган. Бу ерда Мулла Исҳоқ хонликнинг нуфузли кишиларидан бири қурамалик Абдумўмин оталик билан дўстлашиб, Тошкентга келади. Хонликнинг сиёсий қурашларида фаол қатнашган ва кўпни кўрган Абдумўмин

кўп воқеаларни гапириб бериб, Мулла Исхоннинг сиёсий онгини уйғотади. Бу вақтда, яъни 1872 йили Шердодхох бошчилигидаги бир неча киргизлар Самаркандга боришиб, Кўкон хони Олимхоннинг невараси Пўлатбекни тахтга ўтказиш хақидаги мақсадларини баён этадилар. Бу ишни амалга оширишда киргиз кабилалари бевосита ёрдам беришлари маълум килинади. Аммо тахт учун курашларда буvasи Олимхон ва отаси Иброхимбек ўлдирилганлигини эсдан чиқармаган Пўлатбек таклифни қабул этмайди. Шундан кейин Шердодхох Тошкентга келиб, Абдумўмин оталик хонадонида меҳмон бўлиб, Пўлатбекнинг рози бўлмаганлигини сўзлаганда Мулла Исхон унинг номи билан тахт учун курашишни зиммасига олган. Шу равишда Мулла Исхон Пўлатбек, яъни собиқ ҳукмдор Олимхоннинг невараси сифатида сиёсий курашга киришади. У халқнинг Худоёрхон зулми ва Рус давлатига қаршилигини яхши англаган ҳодда ҳаракат қилиб, Наманган уездининг шимолий қисмидаги, яъни Косон ва Нанай оралигидаги Қутлук Саъид кабиласининг ёрдами билан атрофига 500 кишини туплайди. Шу равишда Пулатбек бошчилигидаги кўзғолон бошланган эди. Айтиб ўтиш лозимки, бу вақтгача Маъмир Мерганов бошчилигида Андижон уездида киргизлар ва Маъмур Шоумурзоков раҳбарлигида Чотқолда кўзғолонлар кўтарилган эди. Улар хон аскарлари томонидан бостирилган. Пўлатбек бошчилигидаги халқ ҳаракати ўша кўзғолонларнинг давоми эди.

Наманган шахрига Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги ҳукумат кўшини келганида Пўлатбек тукнашувдан кўркиб, чекинишни лозим топди. Аммо Косонда хон аскарлари билан тўкнашувда мағлубиятга учради. Абдурахмон офтобачи унинг кўп сафдошлари ва кўзғолон катнашчиларини ўлдирди ҳамда асир олди. Пўлатбек бир гуруҳ кишилари билан Чотқол тоғларига қочишга улгурди. У 1875 йилнинг бошларида Чотқолдан чиқиб, Кўкон атрофидаги Лайлакка келиб, 200 кишини тўплади. Ўша йили июлнинг биринчи ярмида Пўлатбек Узганда кўтарилган кўзғолонга бошчилик қилиб, хонликка катта ҳавф тугдирди. Уларга қарши хон Иса Авлиё, Абдурахмон офтобачи ва Саримсоқ эшик оғаси бошчилигида 4000 кишилик аскар юборган. Бирок 1875 йил 28 июлда бу йирик амалдорлар кўшин билан кўзғолончилар томонига ўтиб, бирлашганлар. Худоёрхоннинг ўғли Андижон ҳокими Насриддинбек 5 минг кишилик кўшин билан уларга қўшилган. Хонликнинг асосий ҳарбий қисмлари ва лашкарбошиларнинг кўзғологгчилар томонига ўтиб кетиши Худоёрхон тақдирини халқ этган омил бўлди. Ўша кезлари хон билан суҳбатлашган Г. Вайенбергнинг сўзича, Худоёрхон «кўзғолончилар русларга қарши курашишни» мақсад қилиб қўйганлигини айтган. Киргизларнинг газот байроғи остида бош кўтарганликлари ҳам шундан далолат беради. Бу ҳусусда Кауфман ҳам 1875 йил 15 сентябрда ҳарбий вазирга ёзган хатида гапириб: «Бутун Кўкон аҳолиси бизга қарши очикданочик бош кўтарди», — деган. Эндиликда Худойрхоннинг Россия кучларига таянишдан бошқа иложи қолмай, ёрдам сўраб Кауфманга мурожаат этди. «Шу кунлардаги оғир ва бахтсиз пайтларда, — дейилади унда, — менинг Мулла Иса Авлиё, Абдурахмон парвоначи ва Холназар парвоначи сингари энг ишончли кишиларим кўшин билан душманларим — киргиз кузғолончиларига қўшилдилар ҳамда менга қарши урушмоқчилар.

Мен ҳамма вақт сиз, олий хазратларидан дўстлик ва ёрдам қўшиб турганлигим боисидан бу гал ҳам мени эътибордан четда қолдирмагайсиз. Шахсан ўзимни ва Кўкон хонлигини улуг император жанобларининг ихтиёрига топшираман ҳамда кўшинни тўплар билан

биргаликда имкони борича тезрок Кўкон шахрига юборишингизни сўрайман» (Память о Фергане. 1901, стр. 17—18.).

Худоёрхон узилкесил ўзини ҳам, бутун хонликни ҳам бутунлай боскинчилар оёғи остига ташлади. У шу даражада ишончни йўқотган эдики, фурсатни ганимат билиб, кочишга қарор қилади. «Охир уламр саксон ароба кўч хазина ва ойимлар, бекалар, етти ароба танга» билан 1875 йил 22 июлда йўлга чиқади. Унинг ёнида 4000 пиёда ва 2000 отлик аскар, 68 тўп борган. Бирок Кукондан 10 чакирим юрганларидан кейин мазкур кўшин хонни ташлаб кетган. Хон 500 аскар билан йўлни давом эттирган. Кўкондан харбий қисмлар Худоёрхонни тутиш учун кетидан қувган ва тўқнашувлар оқибатида хон аскарларидан 8 киши ўлдирилган, 9 киши ярадор қилинган. 1875 йилнинг 7 августида Худоёрхон Хўжандга келгач, Тошкентдаги рус харбий маъмурияти ишончини қозонган кишилар, хусусан, Саъидазимбой воситачилигида генералгубернатор билан қандай муомалада бўлиш ҳақида маслаҳат сўраб, бир кишини унинг хузурига 6 минг танга ва хат билан жўнатган.

Бу киши Саъидазимбой хузурида бўлиб, хатни берганда у бир нуфузли рус амалдорининг уйига пул билан борган. Бу амалдор Худоёрхон Кауфманга «Ман юртимга боруб, мамлакатни тинчитиб, ўрнумга ноиб қўйиб, сўнгра борурман», деса фойдали бўлади, деган. Аммо хон Тошкентда Кауфман билан учрашганида бунинг ўрнига, «Мени императорни қўриш учун юборишингизни сўрайман», — деганини ўзи билмай қолган. Губернатор бунга розилик билдириб, йўлга отланишни айтган ҳамда қиличининг учини секин ойнага уриб қўйган. Нима учун бундай қилганлигининг сабаби номаълумлигича қолган. Шунда нуфузли кишилардан бири хонга: «Эвой, қани ул қанча ҳаракатлар илан (Тошкентдан) топган сўзларимиз, нимага демадингиз», — деганида у: «Ўша сўзлар дилимда такрор эрди, аммоки, мани тилим муҳолифат этди, тилим хўб дегандин кейин билдим», — деган. Яна, хон «Иш қулдан кетатурган бўлганда кишини ўз аъзойи жавораси ҳам муҳолиф булур экан, узим ҳам хайрон бўлдум», — деган.

«Шундан кейин, — дейди воқеа гувоҳларидан бири, — ҳаммамиз бирдан хафа бўлдук. Йигисиги, кўз ёши булди. Ўшал кун генералгубернатор дарҳол қозғоқ буйруқ чиқарди: «Эртага хон Ўринбургга жўнасан», деб. Хон тақдирга тан қўймай, эмди, маслаҳати ҳаракат бўлди. Хонни раъйи беқоздлар ва ойимларни Тошкентда қўйиб, кетмоқ маъқул бўлмади, на учунки, анда ишончлик одам булмади. Туркистонда ўзларига қараган эътиборлик кишилар бўлгани учун аҳли аёлларни Туркистонда қўйиб кетмоқ муқаррар булди.

Эртаси қибда жўнадук. Хон илан етмиш киши эди. Мундан Атобек нойиб қўлида юз эллик адад сипоҳлар ҳам бор эрди. Тошкентдан жўнаб, бир қўнуб Чимкандга бордук. Анда бу хафалиқларимиз устига хон Атобек нойибга бир нима, деди. Нойиб хонга бир нима, деди. Гина ва афсус тўғрисида бирбирлари ароз бўлуб, жамиъ юз эллик сипоҳни олиб, Атобек нойиб Чимканддан Хўкандга қайтди. Хон қолган кишилар билан жўнади. Туркистон борилди. Хон Мусо Али мингбоши хавлисига тушти. Беқоздалар ва аёлга алоҳида хавли тайёрлаб бердилар. Анда хон беш кун туруб, аҳли аёллар билан видолашиб, Туркистондан жўнадук. Махрамлар билан бирга эдук. Туркистондан чиқуб, бир Қулунсурон деган ерга борилди. Анда етиб, эртаси хон махрамларга жавоб бериб, айтдики: «Хар қайсиларингни аҳли аёлларинг бор, бизни бошимиздаги тақдирга ўзимиз муқтало, сизлар овора бўлманглар, деб хар қайсиларимизга бирмунчадан танга берди, фотиҳа берди. Бизлар қайтдук».

Кўриниб турибдики, Худоёрхоннинг тақдири золимлиги, қалтафаҳмлиги ва она юртга

хоинлик килганлиги туфайли жуда фожеали бўлди.

1873 йили полковник Скобелев харбий вакил сифатида бир неча солдат билан Кўконга юборилган эди. У билан бирга харбий топограф Реднев ва ташки ишлар вазирлигининг вакили Вейнер ҳам борган. Улар Худоёрхон билан бирга Хўжандга кайтишга мажбур бўлган эдилар.

Руслар фойдаси тегмайдиган бўлганидан сўнг Худоёрхонни такдирлаш у ёқда турсин, халк хисобига тўплаган хазинасини ҳам тортиб олди ва ўзини Оренбургга сургун килди. Хонни бу ерга Мулла Маъруф додхох, Косим тўксоба, Жамил хазиначи, Муҳаммад шарбатдор, Хурсанд ва Муллача (хар иккаласи кул), Мирзобой сагир ва Тожи махрам деган кишилар кузатиб борганлар.

Худоёрхон Кўкондан чикиб кетишидан олдинок юкори табака вакиллари тахтга унинг ўгли Насриддинни ва бошка номзодларни ўтказишга киришган эдилар. Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги гуруҳлар Насриддинни тахтга ўтказишга муваффақ бўлдилар. Бу хон Туркистон генералгубернаторлиги билан гуё яхши алоқаларни ўрнатиш максидида Кауфманга хат юборган. Бунда у ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қилиш билан баробар, дўстона алоқада бўлиш хақида сўз юритган. Аслида эса, у Рус давлатининг тажовузига қарши кучларни тўплашга уринди. Хусусан, у Бухоро амирига куйидаги мазмунда хат жўнатган: «Отам ўрнига тахтга ўтирган мен сизга маълум қиламанки, хозирда дин химояси учун курашга отланган шаҳар ва дашт аҳолиси катта кучгайрат билан бош кўтарди.

ОнаВатанга мухаббат ва содиклик ҳамда дин учун кураш шунча кўп одамларни бир жойга жамладики, сонсаноги Худодан бошка ҳеч қимга маълум эмас. Мени Андижондан келтиришиб, кофирларга қарши курашишни зиммамга юкладилар. Биз тахтга эга бўлдик, шаҳар ва дашт аҳолиси бизни хонлик либоси билан зийнатлади. Хозирда кофирлар ўтадиган ҳар бир йўлга харбий қисмлар юбордик. Шаҳсан мени ўзим ҳам кофирларга қарши курашиш максидида беҳисоб кўшин билан йўлга чиқдим.

Олий хазрат! Сизни отам ўрнида ва исломнинг йирик ҳукмдорларидан бири сифатида кўриб, ўзимизни ишларимиз ва эзгу максадларимизни изхор этмокдаман!»

Сайидали хўжа Абдусаттор Маъзум ўгли томонидан амирга топширилган мазкур хатдан айнки, Насриддинхон Бухоро хонлигини ошқора бўлмасада, унинг ҳаракатларига хайрихолик билан қарашга чакирган. Абдурахмон офтобачи ва Иса авлие ҳам Бухоро амирига ўша мазмундаги хатларни юборган. Насриддинхон ва унинг атрофидаги Абдурахмон офтобачи бошлик хокимият вакилларининг юргизган сиесатини белгилашда Тошкент аҳолиси ва нуфузли кишиларга, жумладан, Саъидазимбойга юборилган мурожаат ҳам диққатни жалб этади: «Мана 12 йил ўтдики, — дейилган унда, — лаънати руслар Хўжанд, Тошкент, Ўратепа ва Самарқандни босиб олишиб, дин шўъласини ўчирдилар ва исломга зиен келтирдилар. Шунинг учун барча мусулмон аҳли урушни муқаддас бурч, деб ҳисоблайди. Худоёрхон бўлса, руслар билан дўстона муносабатда бўлиб ва кўп совғалар юбориб, хатога йўл қўйган эди. У бизнинг динни каттик ушлаш хақидаги насихатимизга қирмай, оқ подшоҳга берилди, ислом динидан қайтди ва қалбаки оқ подшоҳга епишиб олди ҳамда бизни орамиздан чиқди. У буларни ҳаммасини шахсий манфаатларини ўйлаб қилган эди. Шундан кейин барча рухонийлар ва хизматчиларнинг вакиллари, ҳамма каттакич одамлар бир ёқадан бош чиқариб, қелишмовчиликларни бартараф этган ҳолда, хоннинг катта ўгли Саъид Муҳаммад Насриддинни тахтга ўтказдилар. Бизни давлатимиздан 3 лак, яъни 300.000 киши чиқади ва бу билан биз катта кучга эгамиз. Биз, каттакич хаммамиз ҳамда ҳар бир киши алоҳида курашишни

муқаддас бурч деб билиб, бир киши колгунга қадар жанг қиламиз ва Худонинг марҳамати ила галабага ишонамиз.

Агарда ҳозир сизлар бу хатни олганингиздан кейин мусулмон динини химояси учун муқаддас урушни хоҳласангизлар, у вақтда бир жойга тўпланиб, урушга тайер турунглари».

Абдурахмон офтобачи ва Мулла Иса Авлиё имзоси билан битилган хат шуни кўрсатадики, хонликдаги халқ ҳаракати Рус давлати ва унинг тарафдори Худоёрхонга қарши қаратилган озодлик кураши ҳисобланган. Аммо шуниси таажжубланарлики, ўша хатларнинг муаллифлари амир ва Саъидазимбойнинг Россиянинг содик тарафдорлари эканини била туриб, уларни ердан беришга даъват этганлар. Амир ва Саъидазимбой эса хатларни Туркистон генералгубернаторига топшириб, Россияга содикликларини яна бир бор намоиш қилганлар.

Шу тарзда, хонликдаги ватан химоячилари сардорларининг четдан ердан олишга қаратилган умидлари пучга чиққан эди.

1873 йил 31 июлда Кауфман Насриддинхон хатига езган жавобида Худоёрхон билан тузилган 1868 йилги шартномани ва дўстлик алоқаларини бузмаслик шarti билан унинг хонлик макомини тан олишини билдирган. У Насриддинхоннинг Рус давлатига қарши қаратилган ҳаракатларини яхши билсада, лекин вақтинчалик хон билан муросага боришни лозим топган.

РУС КЎШИНЛАРИНИНГ БОСКИНЧИЛИКЛАРИ ВА ХОНЛИКНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Кўкон хонлигидаги халқ ҳаракатлари ва Худоёрхоннинг қочиши орқасида юзага келган оғир вазият рус ҳукуматига қўл келди. Бу вақтда Еттисувда турган Кауфман дарҳол Тошкентга қайтиб, хонликни босиб олиш чораларини кўрди. Бу орада, яъни 1875 йил 6 августда ватан химоячилари Тошкент тарафга юриш қилиб, Охангарон дарбсидаги Облик кишлогини эгалладилар. Улар 8 августда Тошкент билан Хўжанд ва Уратепа оралигидаги почта бекатларини эгаллаб, 16 русни асирликка олдилар. Савдогар Исаевнинг ойна заводига ўт қўйилди. Бундан хабар топган Кауфман Сирдарё вилоятининг губернатори Головачевга ҳарбий юриш бошлашни буюрди. Головачев ҳарбий қисм билан Тошкентдан 60 чақирим узоқликдаги Тилов қалъасига борди. Бу вақтда 5000 кишилик ватан химоячилари Облик кишлогидан Тиловга ҳужум қилишга тайёрланмоқда эдилар. Ҳар икки томон ўртасида қиска отишмалардан сўнг ватан химоячилари тоғ томонга чекинганлар.

Тошкентда Кауфман Биринчи Туркистон ўқчи батальони, Оренбург кўшинининг тўртта отлик тўпчиларини, 100 казак аскар ва бошқа ҳарбий қисмларни Кўконга жўнатган. Бу вақтда ватан химоячиларининг айрим гуруҳлари Хўжанд атрофларида почта бекатларини ёндирганликлари ҳамда кўконликлар Нов кишлогини эгаллаганликлари ҳақидаги маълумотлар Тошкентга келиб турган. 5000 кишилик қирғизлар Сирдарё орқали ўтиб, Курама уездига қарашли Самгар кишлогини эгаллаганликлари тўғрисида ҳам хабарлар олинган. Шу боис Головачев Гарновский бошчилигидаги ҳарбий қисмларга Хўжанд томонга юришни буюрган. Кўконликлар Тошкент атрофидаги Паркентга ҳужум

килармиш, деган овозаларга жавобан у жойга 1875 йил 21 август кечаси полковник Скобелев рахбарлигидаги аскарлар юборилган.

Хакикатан ҳам Кўкон хонлигидаги ватан химоячилари руслар босиб олган Тошкент ва Хўжанд чегараларига бостириб кириб, душманга зарба беришга уринганлар. Головачев аскарлари Охангарон минтакасидаги ОбликТилов атрофларида кўконлик химоячилар устидан галабага эришганлар.

1875 йил 13 августда Кауфман йўлга чикиб, Пискентга келганида подполковник Нолдедан 9 август куни Хўжандга хужум килган ватан химоячилари тормор этилганлиги хакидаги хабарни олган. Шу воқеа маълум бўлдики, Абдурахмон офтобачи Махрамда кўп куч тўплаб, ўша куни Хўжандга уч томондан хужум уюштирган экан. Хусусан, Кўкон йўлидан 1015 минг кишилик ва Самгар томонидан 610 минг кишидан иборат ватан химоячилари хужум килганлар. Кўконликлар Хўжанднинг Нов дарвозаси тарафидан бостириб кирган эдилар. Аммо барчаси душман томонидан оркага суриб ташланган. Шунга карамай, Хўжанд хавфдан холи бўлмаганлиги учун уезд бошлиги подполковник Нолде шахар мудофаасини мустахкамлаш чораларини кўрди. Бу орада ватан химоячилари шахарга якинлашиб келдилар. 12 августда уларга карши полковник Саримович 4 рота, 100 казак, артиллерия дивизиони билан юриш килиб, чекинишга мажбур этган. Шундан кейин у Кистакўз деган жойга жойлашган. Сўнгра у Абдурахмон офтобачининг 16 минг кишилик кўшинига хужум килиб, уларни Кўкон йўли буйлаб қувлади. Кўп ўтмай Тошкентдан Хужандга кўшимча харбий қисмлар етиб келди. Бир пайтда Кауфман ва Головачев бошчилигидаги кўшинлар Хўжандга бораётганда Мирзаобод станциясида Кўкон отликлари кўринган. Улар душман аскарлари кўриниши биланок Самгар кишлогига қочганлар. Уларнинг кетидан юборилган полковник Скобелев солдатлари Самгарга борганда 4 минг кишилик химоячилар у ердан Махрам калъасига қайтганлиги маълум бўлган.

18 август куни Кауфман кўшин билан Хўжандга борган. Бундан олдинроқ полковник Ефимович бошчилигидаги 200 казак артиллерия дивизиони билан Самарканддан келган эди.

Умуман, Кауфман Кўкон хонлигига карши курашиш мақсадида харбий қисмларни Хужандга тўплайди. Бу ерда 16 рота пиеда аскар, шу жумладан, битта сапер ротаси, 20 тўп, 900 отлик солдат ва 8 ракета станоклари жамланган эди.

1875 йил 20 августда Кауфман ўша кўшин билан Хўжанддан чикиб Кўкон йўли бўйлаб юрди; 40 чакирим йўл босгандан кейин Махрам истехкомига дуч келиб, уни босиб олишга киришди. Бу калъа шимолдан Сирдарега, жанубдан эса айрим жойлари богларга бориб такалган. Унинг уруш олиб бориш мумкин бўлган гарб томони эса, сув тўлдирилган зовур билан қуршалган. Умуман, истехком етарли даражада мустахкамланган бўлиб, 15 минг кишидан иборат ватан химоячилари шайланиб турган. 1875 йил 22 августда шахсан Кауфман кўмондонлигида кушин Махрамнинг орка томонидан хужум бошлади. Шу вақтда ватан химоячилари душманни ҳам оркадан, ҳам чап томондан қуршаб олади. Душман томонидан тинимсиз егдириб турилган туп ўқлари ватан жангчиларига якинлашиш ва тукнашиш имконини бермади. Шундан кейин боскинчилар хужумга ўтди. Уларга карши ватан химоячилари 10 тўпдан ўқ узиб турган. Бунга карши душман 12 тўпдан ўқ егдирган. Шу равишда хар икки томондан жанг кетаётганида Кауфманнинг буйругига биноан генерал Головачев артиллерия воситасида хужумга ўтган. У каттик жанглардан сунг

Махрам дарвозасини бузиб, ичкарига бостириб киришга муваффақ бўлган. Бу ерда боскинчилар 16 тўп, кўп яроғаслаха, порох ва озиковкат махсулотларини ўлжага олдилар. Ватан химоячилари эса дарёга чекиндилар, лекин жуда яқин масофадаги душман кучлари уларни уққа тутиши орқасида жуда кўп одамлар халок бўлган. Сўнгра полковник Скобелев бошчилигидаги 500 солдат Махрам боғларида пистирмада турган ватан химоячиларига хужум қилиб, 2 тўпни ўлжага олиб, уларни Кукон йўли бўйлаб 10 чақирим жойгача қувиб борган.

Махрамдаги мағлубият хонлик такцирини узилкесил хал қилган омиллардан бири хисобланади. «Махрамдаги галаба, — дейилади рус манбасида, — ўзининг ўта билимдонлик ва ажойиб равишда кўлга киритилганлиги орқасида Кўкон хонлиги аҳолисига каттик таъсир этиб, уни тинчйтишда ва ақлхушларини йигиб олишда муҳим ўрин тутди. Бу галабанинг ахамияти яна шундан иборатки, Махрамда ҳаракатларнинг сардорлари ҳамда бизга қарши қаратилган барча кучлар ва маблағлар тўпланган эди. Зеро, Махрамда Абдурахмон офтобачи томонидан тулланган кучлар сони бизнинг маълумотимизга қура, 30000 кишини; кипчокларнинг кўрсатишича эса, кипчоклар ва қирғизлардан ташкил топган фақат отликларнинг ўзи 50.000 одам хисобланган. Абдурахмон офтобачининг ўзи жангда қатнашган бўлсада, лекин шериклари билан бизнинг уқимиз етмайдиган жойда турган. Биз устун келиб, қуконликлар қочганларида Абдурахмон офтобачи ҳам биринчилар қатори жуфтаси урган эди. Махрамда асосан шаҳар ва қишлоқлардан қелтирилган ода: шар қатта талофат қуриб, оз қишиларгина ўйларига қайтдилар. офтобачининг кипчок ва қирғизлардан иборат отликлари бизнинг уқимиздан ўзқроқ турганлар ва отлари чопқир бўлганлиги ўчун қочишга ўлгурдилар. Махрамдаги галабамиз бутун хонлик бўйлаб таралди».

Демак, Махрамдаги жангда Абдурахмон офтобачи ва сафдошлари ўрушга яқши тайёргарлик қўрганлар, лекин жанг вақтида раҳбарликни ўрнига қўя олмай оқизлик қилганлар. Натижада ўз ҳолига ташлаб қуйилган ватан хўмоячиларидан фақат 3000 отлик омон қолган, ҳолос.

Ибрат ҳам Махрамдаги жанг ҳақида тўхталиб: Абдурахмон офтобачи «Русияга ўрушқокчи бўлуб, Махрамга боруб, андин Хўжандни муҳосара қилқок бўлуб, ҳеч иш қилмай, неча минг одам дарёга қетиб, Махрамдан қочиб, Маргинонга қетди», — деб езган эди.

Демак, босқинчилар неча минг одамларни Махрамда дарёга чўқтирган еки қириб ташлаганлар. Улар Махрамда 39 тўп, 1500 турли қуролларни, порох, 1910 пуд ўн, 837 пуд қуруч, 3200 пуд жўхори, 224 от ва бошқа турли нарқаларни ўлжа олдилар. Булардан ташқари, солдатлар қўлга туширилган кўп тўпларни Сирдарёга ташлаб юборганлар.

1875 йил 23 августда Кауфман Махрамдаги галабани императорга телеграмма орқали маълум қилган. Буни император мамнуният билан қарши олган.

Махрамдаги мағлубият Кўкон хони Насриддинхон ва ўнинг атрофидагиларни саросимага солиб, хон дарҳол Кауфман номига қуйидаги хатни элчи Фозил Аҳмад Маҳдум Аъзам ва Мулла Муҳаммад Иса авлие орқали юборган:

«Жаноби олийлари! Бизнинг отамиз билан тинч ва дўстона равишда яшаб, ҳар икки томон халқи хотиржам эди. Менинг падари бузруқворим шариятга қарши янги тартибларни қуллаб, халқни ҳар томонлама эзди ва уни шу даражада ендирдики, бурнидан тутун қикарди. Буларнинг ҳаммаси кўзқолон кўтарилишига ва отамни тахтдан маҳрум этилишига олиб қелди. Сиз яқши биласизки, Мулла Абдулқарим мироҳур орқали сизга юборилган хатга ўзқок вақт жавоб олмадик. Биз йўллар ҳавфсизлигини таъминлаш

максадида турли жойларга кўшин юборган эдик. Сизнинг Мулла Абдулкарим мирохўр оркали юборган хатингиздан хайрихохлигингиз ва шартлар инobatга олинган такдирда хонлигимизни тан олишингизни билдик. Дўстлигингиз ва яхши ниятларингизга ишонган холда шартларингизнинг хаммасини кабул килиб, хат ёзмокчи бўлиб турганимизда Корахитойда (Тилолда) икки кўшин ўртасида тўкнашув бўлиб, улардан бирида (кўконликлар) чекинишга мажбур булганлар. Биз дархол Муллахожи Мирза Карим оркали сизга ўзимизнинг дўстлигимиз ва исёнларни тўхтатилганлиги хакидаги хатни ёзишни буюрган эдик. Аммо кеча Махрамдаги Худонинг хохишига кўра содир бўлган воқеани эшитдик. Биз исенни бостиришга кўп харакат килдик, лекин уддалай олмадик. Шунинг учун ҳам Мулла Абдулкарим билан юбориладиган хатни жўнатишнинг иложи бўлмади. Сизнинг барча шартларингизга розилигимизни ва кипчок исенчиларининг килган ишларига узримни ўз ичига олган хатимни Фозил Ахмад Махдум Аъзам оркали яратилган икки от ва икки бўкчадаги совгалар билан юбормокдаман».

18 рус асири хам элчи оркали Кауфман хузурига жунатилганди.

Насриддинхон бир кичкина харбий губернаторга канчалик ялинмасин ва унинг олдида тиз чўкмасин, барибир, сўровлари инobatга ўтмади. Чунки рус хукумати Кукон хонлигини саклаш ниятида бўлмай, уни тамомила тугатиш харакатида эди. Шунинг учун ҳам Кауфман хон совгаларини олмади ва хоннинг узи келиб буйсуниши лозимлигини элчига билдирди. Эндиликда рус хукумати учун номигагина тахтда ўтирган Насриддинхон билан юкори даражада алока юргизишга асос ва зарурат йўк эди. Кауфман, айникса, Махрам галабасидан сўнг хонликнинг тамомила тормор этилишини яхши биларди.

Бу вақтда хон ва унинг атрофидаги сарой амалдорлари Кўкон мудофаасини мустахамлаш, душманга карши курашиш чораларини кўриш ўрнига таслим бўлишга тайергарлик курмокда эдилар. Зеро, 1875 йил 29 августда Кауфман катта кўшин билан Кўкон шахрига келганда Насриддинхон бошлик нуфузли кишилар «халк номидан туз ва нонни кабул килишни хамда хукмдор императордан халкка рахмшафкат» сураганлар.

Кауфман бу сўровни мамнуният билан инobatга олди ва Кукон шахрини урушсиз эгаллаганлиги тўгрисида императорга телеграмма жўнатди. Петербургда бу хабар хурсандчилик билан кабул килинди. Кауфман ўша телеграммада бутун Наманган беклигини Сирдаренинг ўнг киргоги билан Россияга кўшишга рухсат берилишини хам сўраган эди. Император агар бу тадбир келажакда чегара хавфсизлигининг олдини олиш имконини тугдирса, уни амалга оширишга ижозат берди.

Кауфман бутун сахар бўйлаб кўшини билан ўтиб, сўнгра Кўкон атрофидаги харбий лагерга келган. Уни бу ерга Насриддинхон намойишкорона кузатиб кўйган. Кауфман вазият такозосига кўра Насриддинхон билан вақтинчалик мураса килиб, Махрам калъасини унга кайтариб берган. У Маргилон, Шахрихон, Андижон, Уш ва Наманганга хат таркатиб, нуфузли кишиларнинг Кўконга келишларини сўради. Мазкур жойлардан Русияга бўйсунуш борасида махаллий нуфузли кишиларнинг мухрлари босилган розилик хатлари келтирилган бўлсада, лекин улардан биронтаси ўзи келмаган. Улар Кауфманнинг иккинчи маротаба юборган сўровини хам инobatга олмай, шахсан келишни лозим топмаганлар. Бу шундан далолат берадики, улар боскинчиларга дилдан карши бўлган. Бирок, Россия билан Кўкон хонлиги ўртасида карийб 25 йил мобайнида олиб борилган урушлар мобайнида кўрилган катта талофатлар хонликни хар жихатдан заифлаштирган эди. Бошкacha айтганда, жанг килиш нияти бору, лекин таянадиган мустахам рахбар ва куч йўк эди.

Кауфман мана шу ниятнинг ўзини хам хавфли хисоблаб, 1875 йил 5 сентябрда

Маргилонга караб юрди. Бу вақтда Маргилонда Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги ватан химоячилари бор эди. У душманга қарши туришнинг фойдаси йўқлигини англаб, Маргилонни ташлаб кетади. Кауфман 8 сентябрда Маргилонга келганда айрим юкори табака вакиллари ватан химоячиларидан қолган 9 тўпни «ўзларининг итоат этганликлари» белгиси сифатида унга топширганлар. Кауфман полковник Скобелев бошчилигидаги 600 казак, 1 ракета батареяси, 2 тўп ва 2 рота пиеда аскарни Абдурахмон офтобачининг орқасидан жўнатган. Душман қучлари Маргилондан 68 чакирим нарида жойлашган Мингтепага яқинлашганда Абдурахмон офтобачи бошлик ватан химоячиларининг тарқалиб кетганлиги ва тоғларга қочгани маълум бўлади. Рус аскарлари ватан химоячиларининг кетишга улгурмаган охириги қисмлари билан тўқнашадилар. Шу тариқа, босқинчилар анча хавфли ҳисобланган ватан химоячиларидан қутулгач, Кауфман Насриддинхонни чакириб сулҳ лойихаси билан таништиради. Бунга кўра, Сирдаренинг ун қиргогидаги жойлар Россия империяси таркибига қириши ҳамда ҳарбий харажатларни қоплаш учун рус ҳукуматида 600 минг танга товон тулаши лозим эди. 1875 йил 23 сентябрда Насриддинхон Кауфманга ўз хатини топширади: «Ярим подшоҳ! Сизга қуйидаги сўровларни маълум қиламан: воқеалар (қузғолонлар) бошланган вақтларда мен офтобачининг қистови туфайли ихтиеримсиз хон бўлганман. офтобачи қул остида емон одамларнинг қўплиги туфайли ҳеч нарса қила олманман. офтобачи ўзбошимчалик билан ҳарбий юриш қилиб, Махрамдан қочгандан кейин мен Мулла Абдулқарим орқали юборилган (сизнинг) хатингизни олишим биланок мамнуният билан розилигим ва содиқлигим ҳақидаги хатимни совгалар билан Эшон Фозил Аҳмад Маҳдум Аъзам ва Иса авлие орқали юборганман. Сиз бу томонга юргангизда ва тўхтаган ҳар бир жойингизда имкони борича уз хизматимни адо этдим.

Мен сиз билан учрашганимдан кейин сизнинг доно сўзларингизни тушундим ва тамомила тинчландим ҳамда сизга бўлган умидим қунданқунга ортиб борди. Мен сизнинг ваъдаларингиз ва эътиборингизни барчага тарғибот этганимда халқ қаноат ҳосил қилди.

Мен жума қуни сулҳ шартлари билан танишдим. Мени гуноҳкор дейилиб, товон тўлаш белгиланган. Шартноманинг айрим моддаларини бажаришга ожизлигимни англаб, илтимосимни ездим. Мен сиздан мамнунман ва хурсандман ҳамда сизга миннатдорлигимни изҳор қиламан. Менга халқни бошқариш қийин, шу боис берган ваъдамни ўзгартириб, мени ва халқнинг тақдирини халқ этишни сиз ярим подшоҳнинг ихтиёрига топшираман».

Насриддинхон ўзини шу даражада ожиз ва елғиз сезганки, хонлик тақдирини тамомила Россия қўлига топширишга қарор қилган. Айниқса, уни товон масаласи қаттиқ ташвишлантирган. Чунки ҳазинани Худойёрхон олиб кетганлиги туфайли ҳукуматнинг чўнтаги қуруқ эди. Товонни қашшоқлашган халқдан тўплашнинг ҳеч иложи бўлмаган. Кауфман хоннинг хатининг четига: «Мен Насриддинхондан шартноманинг бажарилишини сўраганимда у менинг ишонадиган одамларим йўқ, атрофдагиларга эса таяниб бўлмайди», деб жавоб берганлигини ёзиб қўйган.

Кауфманнинг ўзи ҳам товон ундиришнинг имкони йўқлигини англаб, уни тўлашга зўрламайди. Оқибатда 23 сентябрда СирдарВнинг ўн қиргогининг Россия таркибига қиритилиши масаласи бўйичагина ҳар икки томон шартномани имзолади.

1875 йилнинг 26 сентябрида Кауфман Наманганга келиб, унинг енатрофига қўшин билан жойлашди. Бу вақтда Кауфман Абдурахмон офтобачи ва Пўлатбек бошчилигида Андижон шаҳрида, атрофжойларида қатта қуч тўпланганлиги ҳақидаги хабарни олди.

Рус манбасида дейилган: «Андижонликлар шаҳарнинг ўн иккита катта кўчасида турли нарсалардан тўсиклар ўрнатганлар. Андижон химояси учун шаҳарликлардан ташқари қишлоқларнинг аҳолиси ҳам келган. Шаҳар химоячиларининг сони 6070 минг кишидан иборат бўлиб, уларга Абдурахмон офтобачи бошчилик қилган. Пўлатбек эса 15 минг қирғиз билан русларга орқа тарафдан зарба бериш мақсадида шаҳар чеккасига ўрнашган».

Пўлатбекнинг кейинги фаолияти ҳақида шуни айтиб ўтиш лозимки, у ўз атрофига қирғизлардан ташқари енгилиб қочган Кўкон аскарларини ҳам тўплаб, анча қуч йиккан. Унинг тарафига қипчоқ ва қирғизларнинг Ўролалли, Бўтабек, Бағишбек, Мулла Йўлдош, Исфандиёр, Мирзакул, Ёрмат, Эшмат, Амалиш оғаси, Шомирза, Умарбек, Хасанбек Сулаймон удайчи, Абдумўмин сингари атоқли қишлоқлари ҳам ўтган. Улар Насриддинхон ватанни сотиб Россия тарафдори бўлгани учун Пўлатхонни Андижоннинг Бўтакора қишлоғида хон деб эълон қилдилар.

Андижоннинг озодлик кураши марказига айланиши босқинчиларни каттиқ ташвишлантириши турган гап эди, албатта, Чунончи, Кауфман дархол генерал Троцкий бошчилигида 1400 кишилик кўшинни 4 ракета станогли ва 8 тўп билан Андижонга жўнатган. Улар 29 сентябрда Андижондан 6 чақирим узокликдаги жойга бориб ўрнашганлар.

Биринчи октябр куни генерал Троцкий ўз қишинини полковник Скобелев, МиллерЗакомелский ва барон Аминов бошчилигида уч қисмга бўлиб, шаҳарга ҳужум қилишни буюрган. Улар шаҳарга яқинлашганда Пўлатхон отликлари ҳужумга ўтган, лекин душман тўпларидан отилган ўқ емири остида ҳужум қайтарилган. Полковник Скобелев ва Аминов бошчилигидаги кўшин шаҳарга кетмакет ўқ отиб, бостириб қиради. Улар шаҳардаги ҳоким саройини ишғол этган вақтда МиллерЗакомелский солдатлари ҳам етиб келган. Шундан кейин ватан химоячилари билан душман қучлари ўртасида каттиқ жанг бўлган. Жангда бевосита қатнашган рус ҳарбий хизматчисининг сўзига қараганда, солдатлар ҳоким саройини эгаллаб, унинг атрофидаги уйларни бузиб ташлаганлар. Хатто химоячилар қаршилик кўрсатган айрим хонадонларга тўплар отиб, хонавайрон қилинган¹.

Душманга қарши уйларнинг томларидан, тўсиклар ортидан, дарахтлар орасидан ва бошқа жойлардан ўқлар отилган. Солдатлар қаердан ўқ отилган бўлса, ўша жойни тўплардан ўққа тутган. Ҳоким саройи ҳам босиб олинган. Шундан кейин генерал Троцкийнинг кўрсатмасига биноан шаҳар ендирилиб, харобага айлантирилди. Ўша 1 октябр куни соат 2 да душман аскарлари шаҳар яқинидаги лагерларга қайтиб, дам олган. Икки соатдан кейин Скобелев раҳбарлигидаги 200 казак, 6 тўп билан келиб, шаҳар халқини янада каттиқрок жазолаш учун уни уч соат мобайнида тинимсиз ўққа тутди.

Уруш 6 соатга чўзилиб, химоячилар каттиқ жанг қилганлар. Бирок душман устун келиб, жуда кўп одамларни қирган, кўп уй-жойлар хонавайрон бўлган. Бу ҳам камдек, генерал Троцкийнинг ваҳшийлиги авжига миқиб 2 октябрда ҳам шаҳарни тўплардан ўққа тутқазган. Шунга қарамай, химоячилар қаршилик кўрсатишни тўхтатмаганлар.

Босқинчилар Фарғона водийсининг энг йирик ва ривожланган шаҳарларидан бири ҳисобланган Андижонни узок вақтгача қаддини кўтара олмайдиган даражада остинустин қилиб ташладилар. 12 октябр кунлар Андижонга тўплардан жаъми 226 снаряд отилган эди. 1875 йил 3 октябрда генерал Троцкий Андижондан Наманганга кетиш йўлида ватан химоячилари билан тўқнашган. Бундай тўқнашувларда қатнашган,

деб кўп кишлоклар ендирилган. Канчаданканча одамлар халок бўлган, хонадонлар вайронага айланган. Айрим маълумотларга караганда, Андижонда шахсан Скобелев бошчилигида 20 минг киши ўлдирилган.

Шу тарика, Троцкий ва Скобелев яхши курулланган кўшин билан халк лашкарларини биринкетин кираверган. Генерал Троцкий кўмондонлигида ҳаракат қилган кўшин жангларда 12 киши йўқотган, ярадорлар сони 59 кишини ташкил этган.

Боскинчилар икки ярим ой ичида тўплардан химоячиларга қарши 387 снаряд отганлар. Шу вақт ичида 150 милтик, 144 туп, 32260 туп уқи, 1092 граната ўлжа олганлар. Бу химоячилар учун жуда катта талофат эди.

Генерал Троцкий Наманганга яқинлашганда Пўлатхон лашкари билан тўқнашиб, кўзголончиларни мағлубиятга учратган. Пўлатхон қочиб кетаётганда отдан йиқилиб, оёғи синган. У курашни давом эттиришга аҳд қилиб, Асакага ўрнашган. Бу ерда Пўлатхон атрофига 12 минг киши тўпланиб, улар биринкетин бир неча галабага эришадилар. Чунончи, Пўлатхон халқнинг бевосита ердами билан Уш, Андижон ва Маргилонни эгаллайди. Бу ҳол Насриддин мавқеини катта хавф остида қолдиргани учун у Маргилоннинг собиқ беги Султон Муродбек бошчилигидаги аскарларни Пўлатхонга қарши юборган. Бирок бу бек хужум қилишдан қўриқиб, Файзобод кишлоғига ўрнашади ва қирғиз кўзголончиларининг айрим гуруҳлари устидан галабага эришади. Бу жангларда асир олинган 30 нафар қирғиз Кўконда хон томонидан дорга осилади. Бу вақтда Пўлатхон томонидан Маргилон беги лавозимига тайинланган Валихон 20 минг киши билан Файзободга хужум қилиб, Султон Муродни тормор этади. Кўп кишилар ўлдирилади, Султон Мурод эса Кўконга қочади.

Бу фожеалар юз бераётганда Кўкон шахрининг ўзида ҳам Насриддинхонга қарши қучлар бош қўтарган эди. Халқ нафрати ва қаршиликка учраётган Насриддинхоннинг тақдири хавф остида қолади. Шу боис у 9 октябрда уч соатлик жангдан сўнг шошилиқ равишда Хужандга қочади. Афтидан, хонга қарши курашга Уратепанинг собиқ беги Абдулғаффорбек бошчилик қилганки, у тахтни қўлга олади. Шундан кейин ҳам Кўконда тартибсизлик ва зўравонлик ҳукм сураверди.

1875 йил 16 октябрда Кауфман Наманганга генерал Скобелев бошчилигида 14 рота, 500 казак, 4 ракета станогини ва 16 тўпдан иборат ҳарбий қучни қолдириб, Хужандга кетган. У Наманган беклигининг Россия империяси таркибига қиритилганлигини эълон қилиб, хонликка яна бир бор қаршилик зарба беради. Скобелев бу вақтда Наманган булимининг бошлиғи этиб тайинланганди. Водий халқи қанчалик азобуқубатлар, мисли қурилмаган қирғинларни қурмасин, барибир, озодлик курашидан воз кечмади. Аксинча, хонликнинг турли жойларида галаблар қўтариди. Хасан Қалла бошчилигида Янгикўрган ва Бачқир кишлоқларининг аҳолиси Кўкон шахрига бостириб қириб, хон саройини таладилар ҳамда Султон Муродбекни тутиб, Пўлатхонга жўнатдилар. Бу ерда унинг қалласини танасидан жудо қилдилар. Файзобод жангида қолиб қолган Валихон ўз атрофига янги қучларни туплаб, Наманганни боскинчилардан озод этишни режалаштиради. Маргилонликлар, қирғизлар ва бошқа кишлоқларнинг одамлари Балиқчи томон йўл олганда, Валихон улар билан биргаликда Қорадаре атрофида Скобелев солдатларига қарши жангда мағлубиятга учради. У Маргилонга қелганда халок бўлганларнинг оилалари унга ташланадилар. Пировардида, жазодан қўрққан Валихон шаҳардан қочиб кетади. Бу урушда руслардан бир киши ўлдирилади, 10 киши қирланади. 1875 йилнинг 18 октябрида полковник Пичугин Ашобага бориб,

кўзголончилар билан жанг килиб, кишлокни бутунлай харобага айлантиради. Бу урушда уч боскинчи ўлдирилиб, 11 боскинчи жарохатланади. Кўзголон катнашчилари каттик жазоланадилар.

Сирдаренинг ўнг киргогида Наманганнинг собик хокими Ботир Турабек ҳам атрофига одам тўгогаб, боскинчиларга карши бош кўтарди. «Бул тарафда, Наманганда, — деб езади Ибрат, — Ботура деган киши чикиб, эски сипохлардан йигиб, мухораба килмок бўлуб, учтўрт минг одамни жамлаб, Туракургонни гарб тарафидаги Сарсончап деган кирга аскар йигиб уламолар сўзларига кулок солмай харакатда эрдилар».

Ботир Тўра кўли остидагилар Хўжанд ва Наманганни бирбирига боғловчи йулда СвятополкМирский бошчилигида 20 соддат кўриклаб кетаётган юк ортилган боскинчилар транспортга хужум килиб, уларни битта колдирмай ўлдирганлар.

Скобелев 1875 йил 23 октябрда Туракургон кўзголончиларини енгиб, кўп одамларни ўлдирди. Айникса, кузголонда фаол катнашганлиги учун тўракургонликларнинг кўггчилиги ўлимга махкум этилади. 23—27 октябрда Туракургонда бўлиб утган тукнашувларда боскинчилардан 6 киши ўлдирилди ва 50 киши, жумладан 3 офицер ярадор килинди.

Бу пайтда Наманганда боскинчиларга карши кайфият зурайган эди. Шу боис барча ахоли кочиб келган Ботир Тўра тарафига ўтган. Шундан кейин унинг рахбарлигида химоячилар Наманган шаҳри бикинидаги рус харбий кисмига хужум килдилар. Бундан хабар топган Чустдаги Скобелев шошилиш равишда кайтиб, 26 октябрда Наманганга келиб, эртаси куни ватан химоячиларига карши хужум бошлади ва шаҳарнинг бир кисмини остинустин этди. Унинг фармонида биноан шаҳар шу даражада каттик ўкка тутилдики, химоячилардан 8800 киши халок булди. Улар орасида ярадорлар сонсаноксиз эди. Бу гал ҳам боскинчилар ўзларининг вахшийликларини яна бир бор намоиш килдилар. Аммо бундай киргинбаротлар халкни озодлик курашларидан кайтара олмади.

Боскинчилар кўрдиларки, «халк ани атвори бузук, бекор галва бўлур, буни босмок учун хабар чикардикки, эрта отув буладур, кўчага бала чикмасун, деб. Эртаси бирдан чикуб, кўчада кўрунганни отмок бўлдилар. Хамма кочкоч бўлуб, кўп мусофирлар хонакох масжидда эрдилар, кўча одамлари анда кирганда аркодан кириб, куп кишиларни отдилар. Ул вақтда хеч ким уламою укалони сўзини олмай, хар ким ўз олдида маст кишидек, ўзига бир иш киладургон кўрунуб, Намангон кўб бефойда хужум остида турганда уламолардан кози мулла Турсун Мухаммад Охунд отланиб чикиб: «Эй мусулмонлар, сизларга нима бўлди, ояту хадисга каранглар, китобларда бу килган ишларингни савоб демайдур, бизда подшоҳ йўк, асбоб йўк, бўл газот эмас», — деб панду насихат килсалар, мастдек муштни кўтарган, тўкмок ва чўянбош кўтарган жухалолар бирдан: «Урунглари, бул киши Русиядан ришва (пора) олган!» — деб Козикалон домлани отдан йикитиб, шахид килдилар. Муни кўрган уламолар бу фукараларни алхол кўюб юбордилар»¹.

Бу ерда маълум буладикки, айрим рухонийлар, хусусан, козикалон хон ва куроласлахаларнинг йўклигини рўкач килиб, халкни беҳуда каршилиқ кўрсатишдан кайтармокчи бўлганлар. Афтидан, бу билан улар бекорга кон тукилишининг олдини олмокчи эдилар. Лекин халкда ватанпарварлик туйгуси шу даражада кучли бўлганки, улар курбон бўлишга ҳам тайер турганлар, куролсиз бўлсаларда, жанг майдонида ўлишни афзал кўрганлар.

Рухонийлар озодлик харакатининг гоёвий кучи хисобланиб, халк оммасини курашга

отлантеришда муҳим ўрин тутганлар. «Хўканд шайхулислом билан козиқалон, — дейди Аҳмад Заки Валидий, — русларга қарши халқни урушга даъват ва тарғиб этдилар. Натижада уларни қамокка олдилар. Кауфман шундан сўнг шайхулислом ҳам, козиқалон ҳам деган нарсалар бўлмасун, деб фармон берди».

Кауфманнинг руҳонийларга қарши бундай фармони ҳеч бир самара бермай, халқ улар таъсирида ватан мустақиллиги йўлида жонини фидо қилдилар. Руҳонийлар Худоёрхон тахтни ва, умуман, мамлакатни ўз холига ташлаб қочаётганида ҳам олдинги сафларда туриб халқни кўзғалишга даъват этиб турган эдилар. «Шаҳарнинг тор кўчаларида, лойдан ясалган деворлар орасида (юрган халқ), — дейди ўша муаллиф, — сув тошқинидаги селдек тўлқинланиб, шовуллаб оқиб, нима қилишларини билмасдан хайрон эрдилар. Мулалар бозорларда ҳам шаҳарнинг у томонидан бу томонига чопиб, «Битдик, хонимиз ўрис томонга ўтди, элимизга русни қирғизди», деб ҳар ерда одамларни тўплаб, нутқлар ирод этиб, халқни хонга қарши кўзғатдилар».

Хатто қузғолончилар Худоёрхон қочаётганда уни 6 қақиримгача қувлаб борганлар, лекин қаттиқ қаршиликка учраб, орқага қайтганлар.

1875 йил ноябрининг охирида Пўлатхон Асақадан чиқиб, Марғилонга ўрнашади. Бирок бу ерда кўп кишини ўддиргани сабабли мавқеи анча пасайиб кетади. Афтидан, у кўпроқ хонлик мақомининг қалбақилигидан норози бўлган гуруҳларни шафқатсизларча жазолаган. Пўлатхон ўзи томонидан Андижон ҳокимлигига тайинланган ва кейин унинг сохта хонлигини фош этган Шомирза додхон, Едгор додхон сингари сафдошларини ҳам ўлдиртирган. Пўлатхон Кўкон хонлигининг шарқий қисмида ҳукмронлик қилиб, босқинчилар билан бўладиган урушга тайергарлик қўриб борди. Ўз навбатида, Намангандаги ҳарбий қисмнинг қўмондони ва узининг ватан химоячилари устидан қўлга қиритган галабалари учун генерал унвонини олган Скобелев булажак жангга ҳозирликни жадаллаштирди.

Пўлатхон бошчилигидаги кўзғолон таъсирида Панжикентда ҳам озодлик қураши майдонга келган. Уларга қарши генерал Афимович қўмондонлигида капитан Арендаренко ва майор Абғрали қўл остида икки ҳарбий қисм юборилган. Ҳар икки томон уртасидаги қонли тўқнашувда руслардан 4 киши ўлдирилиб, 25 одам ярадор қилинди. Ярадорлар орасида 3 офицер, ўлдирилганларнинг ичида эса 1 офицер бўлган. Бу талофатлар қаттиқ жанг бўлганлигидан қалолат беради. Босқинчилар ватан химоячиларининг ҳаракатларини шафқатсизларча бостирганлар.

1875 йил 25 декабрда генерал Скобелев Наманганда 4 рота, 40 қазақ ва 10 тўп, Қустда 2 рота, 20 қазақ, 6 тўп, Окжарда 2 рота, 100 қазақ ва 2 тўп қолдириб, 2800 киши ва 12 тўпдан иборат қўшин билан Андижонга йўл олади. «Шундан кейин Скобелев, — дейилади рус манбаида, — Норин дареси орқали Қорадаренинг ўнг қирғоғи бўйлаб қипчоқларнинг энг қатта қишлоғи Қойтуғтача борди. У кета туриб, йўлнинг икки томонидаги Узган шаҳрини ва даренинг чап қирғоғига қочиб кетган аҳолининг қишлоқларини ендириб, йўқ қилиб ташлади. Шундан кейин генерал Скобелев Қорадарени кечиб ўтиб, 1876 йил 3 январда ўзининг барча ҳарбий қисмларини Андижондан 5 қақирим масофадаги Мирравот деган жойга ўрнаштирди. Бу вақтда Андижонда Абдурахмон офтобачи 20 минг қуролланган халқ лашқари, 5000 сарбоз ва 10 минг отликни тўплаганди».

Душман томонидан ўт қўйилган жойлар орасида Хўжаобод, Лугумбек, Сармоқ, Окмозор, Қайработ, Янғизбоқ, Қалонқишлоқ, Қораянтоқ ва Маси ҳамда бошқа қишлоқлар бор эди. Генерал Скобелевнинг бўйруғига биноан полковник МиллерЗакомелскийнинг ҳарбий

кисми Чулуму ва Мадрасайи офтобачи кишлокларини ендирганлар.

Шу тарика, боскинчилар ўтган йўлларини конга ботириб, ут кўйиб, ёндириб, вахшийлик килганлар. Генерал Скобелев 47 январ кунлари Андижон шахрини стратегия нуктаи назаридан ўрганиб, кўшинни Окчакмок тепалигига жойлаштирди. Сўнгра 8 январда хужумга ўтган харбий кисмлар шахар маркази ва Гултепани эгаллаб, зудлик билан бу ерга туплар ўрнатганлар. Руслардан 2 киши ўлдирилган ва 7 киши, жумладан, бир офицер ярадор килинган. Химоячилар эса жуда кўп одам йукотган. Абдурахмон офтобачи химоячиларнинг катта кисми билан Асакага кочган. Кушин 9 январда каршиликка учрамади, лекин халк бўйсунганлигини изхор этмагани учун шахар эрталабгача тўплардан ўкка тутидди. 10 январда эса кўшин Ўрдага ва Гултепага жойлаштирилди, 11 январда шахар вакиллари келиб, таслим бўлганликларини маълум килдилар.

Демак, боскинчилар билан химоячилар уртасида каттик жанглар бўлиб ўтганки, шахардагилардан «нихоятда кўп одам ўлдирилган». Андижон шахрида Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги курашнинг маглубиятга учраши юкори табака вакиллари орасида умидсизлик кайфиятларини тугдирган. Окибатда шахарни душманга топширишга мажбур бўладилар. 1876 йилнинг 13 январиди генерал Скобелев Асакага якинлашиб, уни хар жихатдан ўрганади. Руслар 18 январда 2 рота пиеда аскар, 240 отлик, 500 казак, ракета батареяси ва 4 туп билан Асаканинг химоячилар урнашган шаркий томонини ва ўрдани тўплардан ўкка тутадилар. Сўнгра солдатлар хужумга ўтиб, тепаликдаги химоячилар каршилигини ёнгиб, чекинишга мажбур этадилар. Боскинчилар Маргилон йўлида чекинаётган химоячиларнинг ортидан хужум килиб, 800 кишини ўлдирадилар. Бу маглубият юкори табака вакилларини шу даражада вахимага туширганки, 20 январда Абдурахмон офтобачи ўзининг 12 сафдоши, шу жумладан, Ботир Тўра, Исфандиер, Холикул Парвоначи, Нормухаммад додхох ва бошклар хамда 700 йигити билан Скобелевга таслим бўлади. Якиндагина боскинчиларга карши халк курашининг бошида турган Абдурахмон офтобачи генерал Скобелевга халк Пўлатхонни ўта шафкатсизлиги, куп кишиларни ўлдирганлиги учун ёмон кўриши ва уни тутишда ердам беражаги хакида гапирган. Кейинчалик Скобелевнинг тавсиясига мувофик ихтиерий равишда таслим бўлганлиги ва уруш вақтида русларга нисбатан «вахшийлик» килмагани учун император унга полковник унвонини беришга рухсат этган. Генерал Скобелев кўп одамларни ўлдириш ва шахарни вайрон килиш билан бирга, андижонликларни товон тўлашга мажбур этиб, 33 минг сўмни дархол ундирган. Бунга ватан химоячиларининг каттик каршилик кўрсатганлари хам сабаб булган эди, албатта.

Абдурахмон офтобачининг маглубиятидан кейин анча тинчланган Насриддинхон 1876 йилнинг 21 январиди Кўкон тахтини кайтадан эгаллаш учун Махрамдан йўлга чикиб, Найманча кишлогига келганда унга Пўлатхон тарафдори сифатида Кўкон хокими ўрнида турган Абдуллабек рахбарлигидаги аскарлар хужум килганлар. Хон 200 кишисини йукотиб, Махрамга чекинган. Аммо 23 январда хон тарафдорлари Абдуллабекни ёнгиб, Насриддинхонни Кўконга таклиф этадилар ва Насриддин 29 январда тахтга ўтиради.

Бу рус харбий маъмуриятининг рахнамолигида бўлган, албатта.

Пўлатхон Андижондаги маглубият ва Абдурахмон офтобачининг душманга таслим бўлганини эшитиб, унинг акаукалари ва келинини ўлдиртиради. Айни бир пайтда штабскапитан СвятополкМирский, унтерофицер Ф. Данилов, яна 8 кишидан иборат рус асирларини ўлимга хукм этади. Генерал Скобелев ватан химоячиларининг асосий

кисмларига зарба бергач, МиллерЗакомелскийга 600 казак, ракета батареяси, 2 рота пиеда аскар ва 4 тўп билан Маргилонга Пўлатхонга карши юришни тайинлаб, Наманганга жўнайди. Харбий кисмнинг штаб бошлиги лавозимида кейинчалик харбий вазир бўлган капитан Куропаткин турган. Бу кушин 1876 йилнинг 27 январиди Андижондан Маргилонга йўлга чиккан. Айни бир вақтда рус харбий бошлиги ихтиерий равишда куролларни топшириш хакида Маргилон ахолисига хат юборган. Бу вақтда Маргилонда Пўлатхон кўл остида кўпмингли ватан химоячилари тўпланган эди. Шу боис у боскинчиларга карши жанг килиш имконига эга эди. Бирок у рус кўшинининг келатганини эшитиб, 5000 отлик ва кисман пиеда аскарлар хамда 5 тўп ва 200 туяга ортилган юклар билан Учкўргонга кетган. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, Пўлатхон харбий ва давлатни бошқариш ишларидан беҳабар бир оддий киши эди, холос. У минглаб одамларни ўз отрядига тўплашга эришган бўлсада, лекин уларни етарли даражада бошқара олмади. У кўпрок зўравонлик ва куркитиш воситасида иш юритганлиги учун мавкеи вақт ўтиши билан пасайиб борди.

Рус кўшини Пўлатхоннинг изи билан юриб, 1876 йилнинг 28 январиди Учкўргонни куршаб одди. Сунгра улар тўсатдан хужум килиб, у ерга бостириб кирдилар. «Девордан биринчи бўлиб, — дейилади рус манбасида, — капитан Куропаткин кирди. Ўрдада Пўлатхонни кутқариш учун жонини тикканлар билан кўл жанги бўлди. Бу вақтда 300 солдат 4 туп билан етиб келиб, дархол жангга ташланди. Пулатхоннинг кучлари сочилиб кетди. Бу жангда 5 мис тўп, кўп куроласлаха ва Пўлатхоннинг молмулки, хазинаси ўлжа олинди». Пўлатхон эса Олой водийсига кочиб, Дарауткўргон деган жойга урнашди, аммо бу ерга Коратегин хокими хужум килиб, Пўлатхоннинг охирги кучларини тормор этди. Шундан кейин Пўлатхон бир гурух ишончли кишилари билан Чавай деган жойга кочди. Бу ерда у кўлга олиниб, рус хукумати вакилларига топширилди. Бу ишни амалга оширишда унинг ашаддий душманларидан бири Мирзакул жонбозлик кўрсатди.

Пўлатхон кўзголонининг бостирилиши пойтахт Петербургда, хусусан император томонидан мамнуният билан карши олиниб, унинг катнашчилари мукофотландилар.

1873—1876 йиллари Кўкон хонлигидаги ўта дахшатли урушлар, кўпдан кўп одамларнинг каршилиги, шахар ва кишлокларнинг вайрон килинишидан сўнг халк оммасининг тинкаси куриди ва кашшоклашди. Хаётнинг барча тармоклари издан чикиб, мисли кўрилмаган азобкубатлар хукм суриб, кайгуалам, кўзбшлар хамда конлар бамисоли даре каби окди. Мана шундай огир шароитда хам халк Ватан мустакиллиги учун курашдан воз кечмади. Аммо уларнинг ўз холига ташлаб кўйилиши, ўзаро низою курашлар хамда харбий техника ва харбий билимнинг пастлиги маглубиятга олиб келди. Бир гурух махаллий амаддор табака вакиллари эса бошка иложини тополмай, Россия хукмронлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Улар халк номидан калбаки езма мурожаатларни уюштиришиб, Россия хукмронлигига розилиklarини намойиш этдилар. Хатто айрим жойларда «тантанали» учрашувлар уюштирдилар.

Хонликда содир бўлган кейинги воқеалар пайтида генералгубернатор Кауфман Петербургда эканлиги учун унинг ўрнида вақтинчалик генерал Колпаковекий турган эди. 1876 йил 5 февралда бу кўмондон Кауфманнинг Кўкон хонлигини Россия империяси таркибига киритиш ва Кўкон шахрига харбий юриш килиш хакидаги телеграммасини олади. Шунга биноан Хужанд, Андижон ва Тошкентдан харбий кисмлар Наманганга жўнатилади. Генерал Скобелев кўшин билан Намангандан чикиб, 7 февралда Кўкон шахрига якинлашиб, Насриддинхонни ўз хузурига чакиртиради. Сунгра 8 февралда шахарга бостириб кириб, хон ўрдасини эгаллайди. Душманга карши уруш тарафдорлари

камалади ва 29 туп кулга олинади.

Эртасигаек Насриддинхон ва унинг хамрохлари Тошкентга юборилади. Бу воқеадан кўп ўтмай бошқа харбий қисмлар ҳам Фаргонага келади.

1876 йил 15 февралда генерал Колпаковский Кўконга келади. Бу тугрида генералгубернаторликнинг расмий газетаси шундай езданди: «Собик Кўкон хони Саъид Насриддин ва Абдурахмон офтобачи Тошкентга жунатилганидан кейин 14 февралда генераллейтенант Колпаковский император олий хазратнинг кўрсатмасига биноан Кўконни эгаллаш ва уни рус тобелигига ўтказиш ҳамда Фаргона вилоятини ташкил этиш учун Хўжанддан Кўконга жўнади.

Собик хонлик ахолиси генерал Колпаковскийни хурсандчилик билан қарши олди. Колпаковский барча ахолига императорнинг хонлик халқларини Россия тобелигига ва умум бир оилага олиш ҳақидаги марҳаматини ҳамда бундан буен улар тенг ҳуқуқларга эга бўлишларини эълон қилди. У халқни ўз машғулоти билан шугулланишга даъват этиб, рус ҳуқуқати тинчлик ва барқарорликни таъминлашини билдирди. У савдода, дехқончиликда ва хунармандчиликда муваффақиятлар тилаб, тенг ҳуқуқ ва адолат бўлишини ваъда қилди ҳамда подшоҳ ҳақида дуолар ўқишни сўради.

Генерал Колпаковский 15 феврал, соат икки яримда Кўкон девори ёнига келган эди. Шу вақтда генерал Скобелев барча харбий қўшинлар билан уни қарши олган. Колпаковский саломлашиб, қахрамонлик учун рус аскарларига миннатдорлик билдирганидан сунг савдо ахли, хунарманд ва оксоқоллардан иборат шаҳар вакилларига шаҳар ва, умуман, Фаргона водийси рус ҳуқуқатига буйсундирилганлигини билдирди. Шундан кейин тўп овозлари остида Колпаковский от устида, штаб аъзолари кузатувида шаҳарга кириб, сарой майдонида қўшин парадини ўтказди. Сўнгра қўшин Колпаковский орқасидан хон саройига кирди».

Газета саҳифасига битилган мазкур сатрлардаги «халқнинг хурсандчилиги» ҳақидаги сўзлар мутлақо асоссиздир, албатта. Буни юқорида шарҳлаган жанглар яққол кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, Кўконга минглаб солдатларнинг киритилиши ҳам халқнинг норозилиги туфайли эди.

Рус ҳуқуқати бўлажак хавфнинг оддини олиш учун Насриддинхон ва Абдурахмон офтобачини нафақа билан таъминлаб, Россияга сургун қилди. Хусусан, Насриддинхон Владимир губерниясига юборилди. 1876 йил 1 мартда Пўлатхон Маргилонда дорга осилди, руслар учун хавфли кишилар эса хибсга олинди. Босқинчилар мамлакатга ўзлари бостириб қирганлари ва урушни ўзлари бошлаганларига қарамай, харбий харажатларни ундиришга ҳаракат қилдилар. Масалан, Кауфман Пўлатхонга ен берганлиги учун Маргилон беюшгига 125000 тилла (500 минг сум) товон солган эди.

Умумлаштириб айтганда, хонлик халқлари мустақиллик ва озодлик учун кўлидан келганича жонларини фидо этдилар. Аммо ҳар жихатдан яхши қуролланган босқинчилар голиб келиб, водийни вайронага айлантирганлари ҳолда Кўкон хонлигини тугатдилар. Янги ташкил топган Фаргона вилоятига водийнинг шаҳарлари, қишлоқ ва овуллари киритилган эди. Қўли қонга беланган генерал Скобелев вилоятнинг харбий губернатори лавозимига тайинланди.

Гарчанд хонлик тугатилган бўлсада, лекин қирғизлар озодлик қурашларини давом эттиравердилар. Масалан, 1876 йил мартда Маргилон уездига қарашли Гўлжа ва Шохимардонда минг кишилик қирғизлар бош қўтариб, Худойқулни хон қилиб сайладилар. Уларга қарши полковник Королков бошчилигида харбий қисм юборилди. Қорақияда

бўлган жангда кўзголончилар душман томонидан тормор этилди. 1876 йили Олой киргизлари икки марта капитан Куропаткин ва Скобелев харбий кисмларига хужум килганлари маълум. Ўша йили рус харбий кисмлари бошка киргиз кўзголончилари билан хам тўкнашиб, уларни маглубиятга учратдилар. Пировардида, киргиз галаенлари хам тамомила бостирилиб, улар Россияга бўйсундирилди.

Кўкон хонлигидан кейин навбат туркманларга келди. Мустакиллик учун қахрамонона курашган бу халк ўзининг жасорати ва мардлиги билан катта шухрат қозонди. Руслар жуда кийинчилик билан 1881 йили Ашхободни ва 1884 йили Марв водийсини эгаллади. Улар бутун таркман элини қонга белаб, вахшийликларини изчиллик билан давом эттирдилар.

1895 йили Помирнинг Россиянинг Марказий Осиёдаги чегараси сифатида белгиланиши унинг босқинчилик ва талончилик режаларининг охириги нуқтаси ҳисобланади.

[Ҳамид Зиёев](#)